



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ БАЗАСИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Халикчаева Садокат Илхомжоновна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази докторанти. Тошкент, Ўзбекистон.

xalikchayeva@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a38

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган солиқ ислохотлари шароитида мавжуд солиқ турлари, хусусан, жисмоний шахслар даромад солиғининг базасини аниқлаш тартиби ва унинг хусусиятлари, базага таъсир ўтказувчи омилларнинг турлари ҳақида, қолаверса, чуқур таҳлиллар асосида мавжуд муаммолар аниқланган ва керакли таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ тизими, солиқ базаси, тўғри солиқлар, жисмоний шахслар даромад солиғи, солиқ кодекси, солиқ имтиёзи, солиққа тортилмайдиган минимум, ижара даромадлари.

Аннотация

В данной статье в контексте проводимых сегодня в нашей республике налоговых реформ рассмотрены существующие виды налогов, в частности порядок определения базы НДФЛ и ее характеристики, виды факторов, влияющих на базу, в кроме того, на основе углубленного анализа выявляются существующие проблемы и вносятся необходимые предложения.

Ключевые слова: налоговая система, налоговая база, собственные налоги, налог на доходы физических лиц, налоговый кодекс, налоговая льгота, необлагаемый минимум, доход от аренды.

Abstract

In this article, in the context of the tax reforms carried out today in our republic, the existing types of taxes, in particular, the procedure for determining the base of personal income tax and its characteristics, the types of factors affecting the base, in addition, the existing problems are identified based on in-depth analyzes and the necessary proposals are made.

Key words: tax system, tax base, proper taxes, personal income tax, tax code, tax relief, non-taxable minimum, rental income.

Кириш

Дунё ҳамжамиятида ҳар қандай солиқни белгилаш, ҳисоблаш ва ундириш солиқ солинадиган базани аниқлаш билан боғлиқ. Дарҳақиқат, тўланиши керак бўлган солиқ миқдорини аниқлаш учун солиқ солиш объектини аниқлашдан ташқари, солиқ ставкаси ва солиққа тортишнинг бошқа элементлари, унга нисбатан солиқнинг

иқтисодий асосининг ўзига хос қийматини аниқлаш керак. Чунончи, солиқ базасини аниқлаш жараёни ва белгиланган тартиблари солиқ юкига, бюджет тушумлари миқдорига, шунингдек солиқ тўловчилар билан ҳуқуқий муносабатларга бевосита таъсир этади ва бу жараён ўз-ўзидан солиқ маъмуриятчилигига бориб тақалади. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида шу кунларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, унинг замирида эса солиқ юкини изчил камайтириш ҳамда солиқ базасини янада кенгайтириш масалалари тизим олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигининг қатор қарор ва фармонлар имзоланиши орқали гувоҳи бўлмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони солиқ тизими олдидаги қатор вазифарни белгилаб берган бўлса[1], “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 208-сонли қарор[2] ва “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 162-сонли қарорлар[3] бевосита солиқ тизимини қамраб олди, шунингдек, соҳа олдидаги муаммоларни бартараф этишга қатор вазифаларни юкледи. Шундай экан, албатта, юқорида таъкидланган вазифалар ижросини таъминлашда жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартиби ва тамойиллари муҳим рол ўйнайди. Зеро, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ инсон қадрини улўғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида инсон қадрини ва унинг фаровонлиги учун бу солиқ турининг таъсири бевосита муҳимдир[4]. Мамлакат фуқаролари фаровон турмуш-тарзини белгилашда эса даромад солиғи базасини тўғри аниқлаш тартиби солиқларнинг адолатлилик принципларида яққол намоён бўлади.

Шундан экан, ишланма давомида қиладиган таҳлилларимиз натижасида мамлакатимизда жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартибини ривожлантириш истиқболлари, жараёндаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича хулоса тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Солиқ базаси ва уни аниқлаш тартиблари ҳақида сўз юритар эканмиз, солиқ базаси ва унга таъсир этувчи омиллар ҳақида ҳамда солиқ базасини аниқлаш тартибининг хусусиятлари хусусида аввало, Н.В. Миляковнинг “Налог и налогообложение” дарслигида “Баъзи ҳолларда солиқ солинадиган база аслида солиқ ставкаси қўлланиладиган солиққа тортиш объектининг бир қисмидир” дейилган бўлса[5], И.А. Майбуров “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида солиқ солинадиган база солиқ солиш объектдан солиқ чегирмалари миқдори билан фарқланади” дея таъкидлаган [6].

Пирога Сергей Степанович эса мақоласида “Украина ва Россия Федерацияси Солиқ Кодексларида ҚҚС объектининг таърифи ушбу концепциянинг иқтисодий маъносини акс эттирмайди, бу солиқ солинадиган базани, уни ҳисоблаш моментини объектив ва аниқ белгилашга имкон бермайди, солиқнинг ҳуқуқий механизмнинг кераксиз элементларини – счёт-фактураларни ва алоҳида бухгалтерия ва солиқ ҳисобини киритиш керак. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш учун қўшилган қийматни ҚҚС объекти сифатида белгилаш ва солиқ солинадиган база ҳисобини тўлов топшириқномалари (банк ҳисобварақлари) асосида юритиш лозим” деган[7]. Қолаверса, Н.Н. Шелемех бир мақоласида даромадлар ва харажатларни шакллантириш тартиби, фойдани солиққа тортиш мақсадида солиқ солинадиган

базани аниқлаш ҳақида ўз фикрларини баён қилган бўлса [8], П.П. Грузин алоҳида мисоллар билан, агар солиқ тўловчида фоизларни тежаш шаклида моддий манфаатлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база қандай аниқланиши кўриб чиққан[9].

К.И. Брыкин ҳам солиқ базаси ва уни аниқлаш тартиби юзасидан тадқиқотлар олиб борган ва солиқ солинадиган базанинг эррозиясига қарши курашиш, шунингдек, фойдани солиққа тортишдан олиб қўйиш бўйича халқаро ва миллий тажрибаларни ўз изланишларида кўриб чиққан олим ҳисобланади[10].

П.П.Грузин эса ўзининг изланишлари натижасида ёзган турли мақолаларида солиқ базаси тушунчасига аниқ тўхталиб ўтмаган бўлсада, келтирилган алоҳида мисолларда солиқ тўловчида фоизларни тежаш шаклида моддий манфаатлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база қандай аниқланишини кўриб чиққан[11].

Қолаверса, А. Рабинович[12], Т. Козенковалар[13] ҳам ҳар хил турдаги солиқлар бўйича солиқ солинадиган базанинг таркибини кўриб чиққан олимлар саналади.

Маҳаллий олимларимиздан эса Қ. Яҳёев “Солиққа тортиладиган базани белгилаш икки усул билан олиб борилади: тўғри усул ва ҳисобли усул. Тўғри усулда солиққа тортиладиган даромад(фойда) доимий муассасанинг Ўзбекистонда олган жами даромади билан чет эллик юридик шахсининг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ бўлган чегирмалари, шу жумладан, Ўзбекистон ва чет элда амалга оширилган бошқарув ва маъмурий харажатларни қўшиб, фарқи сифатида белгиланади. Иккинчи ҳисоб усулида солиқ базасини аниқлаш қийин бўлганда шу даромадни олишдаги харажатлар салмоғига нисбатан қилиб ҳисоблаш йўли билан аниқланади” деганининг гувоҳи бўлсак[14], А.Жўраев ва С.Ширинов ҳамкорлигида яратилган дарсликда “Солиқ солинадиган базани аниқлаш усули солиқ солиш объектининг турига ва тавсифига боғлиқ. Солиқ объектининг тавсифига қараб солиқ базасини аниқлаш усуллари қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин: солиқ тўловчининг даромади асосида солиқ базасини аниқлаш, солиқ тўловчининг маҳсулот, товар, иш ва хизматлар сотувидан олган тушуми асосида аниқланувчи солиқ базаси, солиқ тўловчининг унга тегишли бўлган мулк асосида солиқ базасини аниқлаш усули, солиқ тўловчининг тадбиркорлик мақсадида фойдаланган ресурслари асосида солиқ базасини аниқлаш усули, солиқ тўловчининг фаолият турига қараб солиқ базасини аниқлаш усули.” каби мулоҳазалар юритилган[15].

А.Ҳ. Аюбжонов ва А.У. Салиходжаеваларнинг таъкидларида эса солиқ базасининг кенгайиши ёхуд торайишига таъсир этувчи омиллар ва давлат бюджетининг тушум миқдорига қай даражада боғлиқлиги хусусида илмий ёндашувлар айтиб ўтилган, масалан, солиққа тортиш базаси жорий даврда олдинги даврга нисбатан 1 бирлик ортиши, солиқ тушумининг 1,024 бирликка ортишига олиб келишини ҳисоб-китобларда кўрсатиб берилган[16].

О. Рашидов ҳам солиқ базасини аниқлаш жараёнида муҳим кўрсаткичлардан бири бу ўлчов бирлиги эканлигини таъкидлаган ҳолда ўз мулоҳазаларини қуйидагича тавсифлаган: “Солиқ базасини ўрнатиш учун солиқ базасининг ўлчов бирлигини билиш зарур бўлади. Солиқ базасининг ўлчов бирлиги солиқ базасининг миқдорий ифодасини аниқлайди. Ўлчов бирлиги солиқ солиш объектининг моҳиятидан келиб чиқади ва у пул ёки моддий шаклларда мавжуд бўлиши мумкин” [17].

А.С Жўраев ва Ҳ.Абдуллаевларнинг тадқиқотларида эса “Солиқ асоси(базаси) умумий ҳолда белгиланган солиққа тортиш даври мобайнида маълум ҳудуддаги солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг йиғиндиси” дея таъриф берилган ва

солиққа тортиладиган базани аниқлаш усуллари ҳамда унинг элементларига таъсир этувчи омиллар хусусида батафсил тўхталиб ўтишган[18].


Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида бутун иқтисодий ҳамжамият доирасида ҳамда республикамиз солиқ тизимида олиб борилаётган солиқ ислохотлари ва тартиблари, мамлакатимиз Президенти қарор ва фармонларини чуқур ўрганиш давомида анализ ва синтез ва иқтисодий математик усуллар, илмий мушоҳада, маълумотларни гуруҳлаш ҳамда прогнозлаш орқали назарий таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, солиқ қонунчилигида солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар иккига бўлинган, яъни юридик ва жисмоний шахсларга. жисмоний шахсларга - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.

Изланишларимиз натижасида шунинг гувоҳи бўляпмизки, жисмоний шахслар даромад солиғидан тушумлар бюджетининг солиқли тушумлари қисмидаги салмоғи муҳимдир. Хусусан, 2021 йил маълумотларига кўра бу кўрсаткич 15 %ни ташкил қилган. Демак, бу вазият жисмоний шахслар даромад солиғининг амалдаги тартиблари, маъмуриятчиликнинг ташкил этилишига, ўз навбатида унинг базасини аниқлаш тартиби муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартиби давлат бюджетининг самарали фаолияти учун ҳам муҳим дастак саналади.



1-расм. Республика миқёсида 2010-2021 йилларда ҳисобланган жисмоний шахслар даромад солиғининг давлат бюджетидagi салмоғи (млрд сўм)¹

1-расм маълумотларига кўра республикамиз миқёсида ҳисобланган жисмоний шахслар даромад солиғининг 12 йиллик(2010-2021йиллар) статистикаси берилган бўлиб, бунга кўра бу солиқнинг тушумлар улуши йилдан йилга ошиб борган ва айниқса, 2020-2021 йиллардаги салмоғи анча ўсган. Биз юқорида қайд этилган кўрсаткични

2019-йил солиқ сиёсатимизда олиб борилган туб ислохатларининг натижаси билан боғлаган бўлар эдик. Яъни, жисмоний шахслар даромад солиғи олдинлари 4 та шкалада прогрессив ставка асосида ҳисобланган бўлса, ҳозирги пайтда пропорционал ставкада ҳисобланмоқда. Албатта, бу солиқ базаси билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, республикаимизда жисмоний шахслар даромад солиғи тўловчилар сони ҳам бу миқдорга таъсир этувчи омил саналади.



2-расм. Республика миқёсида 2017-2020 йиллар жисмоний шахслар даромад солиғи тўловчилар сонининг ўзгариши²

2-расмда берилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки жисмоний шахслар даромад солиғи тўловчилар сони йилдан йилга ўсиб бориш тенденциясида ривожланмоқда экан, яъни 2017 йилдаги солиқ тўловчилар сонидан 2020 йилдаги солиқ тўловчилар сони қарийб 27%га ошган.

Шу нуқтаи назарга кўра, жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартибини кўриб чиқсак.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахслар даромад солиғи объекти сифатида солиқ тўловчининг жами даромади қаралса, базаси эса қуйидаглар ҳисобланади[19]:

1) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар учун солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолдаги жами даромадлари;

2) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун солиқ имтиёзлари қўлланмаган ҳолдаги жами даромадлари.

Солиқ базасини аниқлашда солиқ тўловчининг ҳам пул шаклида, ҳам натура шаклида олган даромадлари ёки даромадларни тасарруф этиш учун юзага келган ҳуқуқлари, шунингдек моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобга олинади. Бунда солиқ тўловчининг алоҳида турдаги даромадлари Солиқ кодексига белгиланган шартларда ва тартибда жами даромад таркибида ҳисобга олиниши ёки ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Солиқ тўловчининг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари, ҳақиқатда даромадлар олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Турли солиқ ставкалари бўйича солинадиган солиқ базаси алоҳида аниқланади ва солиқ даври бошидан эътиборан ўсиб боровчи якун билан аниқланади.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қўйидагилар киради[20] :

1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган ходимларга ҳисобланадиган ҳамда тўланадиган барча тўловлар (иш ҳақи, премия, қўшимча тўловлар, компенсациялар ва бошқалар) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади.

2) мулкий даромадлар;

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига фоиз тўловлари, дивидендлар, мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар, мулкни сотишдан олинган даромадлар ва бошқа даромадлар киради.

3) моддий наф тарзидаги даромадлар;

Моддий наф тарзидаги даромадлар бўлиб, солиқ агенти томонидан солиқ тўловчи манфаатларини кўзлаб товарлар (хизматлар), мулкий ҳуқуқлар ҳақини тўлаши, жисмоний шахсларнинг солиқ агенти олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари ва ҳ.к.

4) бошқа даромадлар.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадларига пенсия ва нафақалар, моддий ёрдам, ютуқлар ва бошқалар киради.

Шунингдек, солиқ базасини аниқлашда энг муҳим омил ҳисобланган имтиёзлар таркибини ҳам кўриб чиқсак. Бунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра бу имтиёзлар қўйидагича гуруҳланади:


1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлашда чегириладиган солиқ имтиёзларининг гуруҳланиши³.

№	Имтиёз тури	Имтиёзнинг қўлланиш жабҳалари
1.	Солиқ солинмайдиган даромадлар(ЎЗР СКнинг 378-моддаси)	Моддий ёрдам суммалари; солиқ агенти томонидан йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари; ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар; вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар ва бошқалар.
2.	Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод этиш(ЎЗР СКнинг 378-моддаси)	чет давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича ва бошқалар.
3.	Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш(ЎЗР СКнинг 378-моддасига асосан солиқ тўловчилар қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга	«Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган шахслар; уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган ва доираси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шахслар; болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар; икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар; икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор

<p>ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади)</p>	<p>ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар ва бошқалар.</p>
--	--

1-жадвалда келтирилган гуруҳлаштирилган солиқ имтиёзлари республикаимиз солиқ тизимида даромад солиғи базасини аниқлашда энг асосий чегирмаларни қамраб олади ва солиқ тўловчиларнинг ижтимоий ҳимоясида муҳим дастак ҳисобланади.



3-расм. Республика миқёсида 2017-2020 йилларда ундирилган жисмоний шахслар даромад солиғи ва тақдим қилинган имтиёзларнинг умумий суммаси(млрд сўм)⁴

Кўриб турганингиздек, 3-расм Республика миқёсида 2017-2020 йилларда ундирилган жисмоний шахслар даромад солиғи таркибида тақдим қилинган имтиёзларнинг умумий суммаси ҳақидаги статистик маълумотларни муҳассаплаштирган ва йилдан йилга имтиёзлар ўсаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг базасини аниқлаш жараёнини 4-расм орқали тасвирладик.

4-расмга асосан мулоҳаза қилadиган бўлсак, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг базасини аниқлаш жараёнида биринчи қадамда қилadиган ишимиз бу жисмоний шахсларнинг жами даромадларини аниқлаб олишдан иборат бўлади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан жисмоний шахслар жами даромади тўрт гуруҳга бўлинади. Иккинчи босқичда шу даромадлардан Солиқ кодексига кўра солиққа тортилмайдиган даромадларни айиришдан иборат бўлса, учинчи босқичда эса солиқ имтиёзлар миқдорини чегириш керак .



4-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг базасини аниқлаш тартиби⁵.

Гувоҳи бўлганингиздек, юқорида берилган жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш жараёнида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар бу қандай даромадлар базага киритилгани, қандайлари даромад сифатида тан олинмагани ва имтиёзлар кўлами ҳисобланади.

Булардан ташқари, даромад солиғи базасининг кенгайиши ёхуд торайишига таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, биз бу омилларни қуйида бериладиган жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Жисмоний шахслар даромад солиғи базасига таъсир кўрсатувчи омиллар⁶

№	Таъсир кўрсатувчи омиллар
1.	Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар
2.	Дунё ҳамжамиятида юз бераётган иқтисодий ва ижтимоий вазиятлар
3.	Солиқ ставкаларининг ўзгариши
4.	Солиқ имтиёзларининг берилиши ёки бекор қилиниши
5.	Солиқ объектининг кенгайиши ёки қисқариши
6.	Солиқ тўловчининг даромад миқдорининг ўзгариши
7.	Солиқ солинмайдиган даромад турларининг ўзгариши
8.	Солиқ солишдан озод этилган даромад турларининг ўзгариши
9.	Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш билан боғлиқ миқдорнинг ўзгариши

2-жадвалда берилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, юқоридаги таъсир этувчи омиллар солиқ базаси билан тўғри ёки тесқари мутаносибликда боғланган бўлиши мумкин. Жумладан, солиқ ставкаси солиқ базаси билан тесқари мутаносибликда боғланган бўлиб, ставка миқдорининг ошиши даромаднинг яширилишига, бу эса ўз навбатида, солиқ базасининг камайишига олиб келади. Солиқ имтиёзларининг берилиши солиқ базанинг камайишига сабаб бўлса, имтиёзларнинг бекор қилиниши ёхуд қисқариши солиқ базасининг ошишига олиб келади. Қолаверса, солиқ солинмайдиган, солиқ солишдан озод этилган даромад турларининг ортиши,

⁵ Манба: расм Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

⁶ Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш билан боғлиқ миқдорнинг кўпайиши бевосита солиқ базасининг қисқаришига олиб келса, уларнинг қисқариши базанинг кенгайишига сабаб бўлади.

Солиқ базасига тўғри боғланган таъсир этувчи омил бу солиқ тўловчининг даромад миқдори ёки солиқ объекти ўзгаришидир, яъни, агар солиқ тўловчининг умумий даромади кўпайса ёхуд объект кенгайса, солиқ солинадиган база кенгайди ва аксинча, даромад миқдори ва объект торайса, солиқ солинадиган база қисқаради.

Биз таҳлил жараёнида шунга амин бўляпмизки, республикамиз солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартиби энг муҳим жараён бўлиб, унга таъсир этувчи омиллар талайгина экан. Ўз навбатида, давлат солиқ органлари бу омиллардан керакли ричаг сифатида фойдаланади ва солиқ сиёсатини олиб боради.

Биз тадқиқотларимиз давомида мамлакатимиз солиқ тартибларини ўрганар эканмиз, шу қатори чет мамлакатлар тажрибаларини ҳам кўриб чиқдик. Чет мамлакатлари солиқ тажрибаларига назар ташлайдиган бўлсак, жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш жараёнида асосий эътибор даромад турига ва харажатлар миқдорига қаратилади, қолаверса, аҳолидан олинадиган даромад солиғи "ўзил-кесил олинувчи" солиқ деб қаралади, шунинг учун уни ҳисоблаб чиқаришда муайян солиқ тўловчи шахс аҳолининг баъзи хусусиятлари: болалари, боқимандалари борлиги; ўз уйида ёки ижарага олинган уйда яшаши; солиқ тўловчининг соғлиғи ва ҳоказолар эътиборга олинади. Бундан ташқари, бу солиқ солиққа тортилмайдиган минимумга эга ва даромад кўпайган сайин ошиб борадиган прогрессив ставкалар бўйича ўндирилади.

Ривожланган мамлакатлар даромад солиқлари тизимлари ўта даражада мураккаб ва чалкашдир, бунинг устига, солиққа тортиш қоидалари, айниқса, мураккаблиги билан ажралиб туради, улар кўпдан-кўп истиснолар, сийловлар, чегирмалар, имтиёزلарни ўз ичига олади. Қолаверса, жисмоний шахслар даромад солиғи таркибидан “Иш ҳақидан солиқ” алоҳида тартиб олинган.

Масалан, Франция солиқ тизимини кўриб чиқсак. Франция ҳукумати даромад солиғидан ўзининг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш учун фойдаланади. Бунда ижтимоий истеъмол фоизлари яхши ривожланмаган шароитда даромад солиғи оилани рағбатлантириш, кам мулк эгаларига ёрдам бериш учун ишлатилади. Францияда яшовчилар солиқ базаси сифатида мамлакатда ва чет элда (шартномалар ҳисобга олинган ҳолда) олган ҳамма даромадларидан тўлайди. Ўзига хос хусусияти шундан иборатки, солиқни жисмоний шахсининг шахсий даромадидан эмас, балки оиланинг умумий даромадидан олинади. Солиқ солинадиган базадан қонунчиликда махсус белгиланган харажатлар чиқариб ташланади. Жумладан, овқатланиш учун белгиланган махсус ёрдам кабилар. Айрим чиқариб ташлашлар қуйидаги баъзи ижтимоий гуруҳларга белгиланган: кексайган кишилар, ногиронлар ва ҳ.к.

Республикамиз солиқ тизимида солиқ тўловчилар даромади 4 категория асосида ҳисобга олинса, Францияда 7 та категория асосида ҳисобга олинади[21]:

1. Ёлланиб ишлайдиганлар иш ҳақиси;
2. Ер даромадлари (Ер ва иморатни ижарага бериш);
3. Оборот капиталидан олинадиган даромад (дивидендлар ва фоизлар);
4. Қайтадан сотишдан олинадиган даромад (иморатни, қимматбаҳо қоғозлар);
5. Акционерлик жамияти бўлмаган корхоналар ишлаб чиқариш ва савдо

фаолиятидан олинадиган даромад;

6.Тижорат хусусиятига эга бўлмаган даромадлар (эркин касб эгаларининг даромадлари);

7. Қишлоқ хўжалик даромадлари.

Солиқ базасини аниқлашда эса умумий даромадни топиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар чегириб ташланади. Хусусан, ер даромадида умумий даромаддан қуйидагилар чегириб ташланади:

1. Иморатни ижарага берганда 15% ва ерни ижарага берганда 10%;
2. Иморатдан фойдаланиш ҳаражатлари;
3. Иморат ва ердан олинадиган солиқлар суммаси.

Юқоридагилардан англаш мумкинки, Франция солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартиби ва хусусиятлари бирмунча мураккаб ва кўп қиррали, билъакс, солиқ тўловчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимида асосланган.

Америка Қўшма Штатларида федерал бюджетнинг асосий қисмини ташкил қилувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қуйидаги тартибда амалга оширилади. Барча даромадлар қуйидагилардан ташкил топган:

- иш ҳақи;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;
- нафақа ва пул ёрдами;
- қимматбаҳо қоғозлардан олинган даромадлар ва бошқалар.

Мол-мулк ва қимматбаҳо қоғозлари сотишдан келган даромадлар махсус солиқ ёки шахсий даромад таркибида солиққа тортилади. Бу ҳолда жами ялпи даромаддан ҳаражатлар чегириб ташланади. Бу ҳаражатлар таркибига қуйидагилар киритилади:

- капитал активларини сотиб олиш ҳаражатлари;
- ер майдони;
- ишлаб-чиқариш қуроли ва ускуналари;
- жорий ишлаб-чиқариш ҳаражатлари.

АҚШда жисмоний шахслар даромадини декларациялаш жараёнида солиқ ставкалари қўллашда декларация топширувчилар тўртта тоифага ажратилдилар:

- ёлғиз (уйланмаган ёки оилали бўлмаганлар);
- оилали биргаликда (оилавий даромадидан);
- оилали якка ҳолда (алоҳида даромадлари бўйича);
- оила бошлиғи (бошқа даромад олувчилар оилада бўлмаганда).

АҚШда жисмоний шахслар даромадини ҳисоблаш 3 босқичда амалга оширилади.

✓ жами даромад - иш ҳақи, қимматбаҳо қоғозлардан олинган даромад, стипендия, рента тўловлари, кўчмас мулк ажратмалари;

✓ аниқланган даромад - жисмоний шахсларга берилган имтиёзлар, ишлаб-чиқариш ёки савдо имтиёзлари, қимматли қоғозлар савдосидан олинган даромад, аванс тўловлари, пенсия ажратмалари, ишсизлик ажратмаларидир;

✓ солиққа тортилмайдиган даромад - даромад солиғини ҳисоблашда ижтимоий таъминот ҳаражатлари, табиий офатлардан йўқотишлар (агар даромаднинг 10 фоизидан ошсагина ҳисобга олинади), тиббиёт мақсадида қилинган ҳаражатлар (аниқланган даромаднинг 7,5 фоизигача), тажриба ҳаражатлари, малака ошириш

харажатлари, хизмат сафарлари харажатлари. Ушбу харажатлар даромад солиғини ҳисоблашда даромаддан чегириб ташланади (ушбу имтиёзлар ялпи даромаднинг 50 фоизигача бўлиши мумкин);

✓ Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор - АҚШ қонунчилигида назарда тутилган стандарт чегирма деб аталувчи имтиёзга яқиндир. Стандарт чегирма солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор билан барабар равишда қўлланилиб келинади. У қатъий белгилаб қўйилгани суммада, масалан, 5,5 минг доллар билан (ёлғиз солиқ тўловчилар учун), 11 минг доллар билан (эр-хотинлар учун) ва 2 минг доллар билан (бир ўй хўжалигидаги ҳар бир шахс учун) ифодаланади. Масалан, тўрт кишидан иборат бир оила - 8 минг доллар стандарт чегирмага эга. Бу харажатлари жами даромаддан чиқариб ташлашга рухсат этилади (тиббий хизмат ва дори-дармон сотиб олиш харажатлари; стоматология хизматларига ҳақ тўлаш; ипотека кредити бўйича тўланадиган фоизлар ва шу кабилар).

Менталитети жиҳатидан бизга яқин бўлган ва Осиёнинг энг ривожланган мамлакати ҳисобланган Японияда жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тартибининг ўзига хос хусусияти ўз вақтида виждонан тўлиқ ҳисоб-китоблар билан декларацияларини тақдим этган шахсларга, ўз вақтида тақдим этганлиги учун турли хил имтиёзлар берилади. Бу “кўк” декларациялар бериш тартиби дейилади ва бу солиқ тўловчиларни “кўк” декларацияли шахслар деб аталади. “Кўк” декларацияли солиқ тўловчилар учун кўплаб имтиёзлар мавжуд, улардан асосийлари қуйидагилар:

1) Оила аъзолари учун мукофотларга (оила бизнесида) чегирма. Ишчилар орасида оила аъзолари бор шахслар соф фойдадан белгиланган миқдорда мукофотлар ажратишлари мумкин. Бундай ҳолда улар бу мукофот суммасини солиқ идораларига маълум қилиши керак ва мукофотлар шу сумма доирасида зарурий харажатлар сифатида чегирилади.

2) “Кўк” декларацияли солиқ тўловчилар учун махсус чегирма

Йиллик даромадлари декларациялашда умумий даромад суммасидан қуйидаги 15 турдаги чегирмалар ажратилиб, солиққа тортиладиган даромаднинг умумий суммаси ҳисобланади.

1) Кўрилган турли хил зарарлар учун чегирма.

2) Тиббий харажатларга чегирма.

3) Ижтимоий суғурта учун бадалларга чегирма.

4) Кичик корхоналар учун ўзаро ёрдам фондига чегирма.

5) Ҳаётни суғурта қилиш бадаллари бўйича чегирма.

6) Мўлкни суғурта қилиш бадаллари бўйича чегирма.

7) Хайрия бадаллари учун чегирма берилади.

8) Ногиронлар учун бериладиган чегирма.

9) Кексалик чегирмаси.

10) Бевалар учун чегирма.

11) Ишловчи талабалар учун чегирма.

12) Турмуш ўртоғи (солиқ тўловчининг қарамоғида бўлган шахслар) учун чегирма.

13) Солиқ тўловчининг қарамоғида бўлган турмуш ўртоғи учун махсус чегирма

14) Солиқ тўловчининг қарамоғида бўлган шахслар учун чегирма.

15) Асосий чегирма.

Биз юқорида кўриб чиққан давлатлар солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғининг базасини аниқлаш тартиблари анчагина мураккаб ва серқирра хусусиятларга эга эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бироқ баъзи жиҳатлари бизнинг солиқ

тизимимизга ўхшаш тартибда шакилланган бўлса, баъзи тарафлари тубдан фарқ қилар экан.

1-муаммо. Жисмоний шахслар даромад солиғи бу энг барқарор солиқ ва бутун дунёда амал қилиши, давлат бюджетида кескин тебранишларсиз салмоқли қисмни эгаллаши билан ажралиб туради. Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари (95%дан ортиқ) жисмоний шахслар даромад солиғининг прогрессив шкаласидан фойдаланади, чунки бу бир текис шкалага нисбатан анча адолатли тизимдир. Бир текис шкалада: 1 млн сўм оладиган фаррош ва 100 млн сўм оладиган тадбиркор бир хил — солиқни даромадининг 12 %и миқдориди тўлайди. Шундай экан, бизнинг солиқ тизимимизда энг биринчи муаммо юқори даромад олувчи шахс ҳам, ойлик маош ҳисобига кун кўрувчи киши ҳам бир хил солиқ тўлаб, солиқ юки гарданига бир хилда тушмоқда. Аслида, кўп даромад олувчи шахс кам даромад олувчи кишига нисбатан фаровонроқ ҳаёт кечиради. Кам даромадли шахснинг яшаши учун зўрға етиб турган даромадини солиққа тортиш унинг иқтисодий аҳволини оғирлаштиради. Бироқ солиқ юки икки хил ҳаёт тарзидаги кишига ҳам бир хилда бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, кичик корхоналар кўпгина кам маошли меҳнат муносабатларини норасмий равишда йўлга қўйишга ҳаракат қилишади. Бу эса ўз навбатида хуфёна иқтисодиётнинг авж олишига олиб келиши табиийдир. Ваҳоланки, муносабатларнинг шу ери солиқларнинг адолатлилиқ принциплари, қолаверса, ижтимоий ҳимоя каби тамойилларининг бузилишига олиб келмоқда.

Дарҳақиқат, бу вазиятда солиқ базасидан чегириладиган имтиёзларнинг ўрни беқиёсдир. Чунончи, юқоридаги номутаносиб солиқ оғирлигини тартибга солишда солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш ва бу минимумни қўллаш учун энг кам даромад миқдорини базада белгилаб олиш лозим, яъни, солиқ базаси МҲЭКМнинг 2 баробаридан паст даромад олувчилар учун солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш лозим(ҳозирда МҲЭКМ 920 минг сўм). Бу дегани, агар солиқ тўловчининг даромади 1 840 минг сўмдан ошмаса, уларга нисбатан солиққа тортилмайдиган минимум имтиёзини бериш лозим дегани. Бу минимум миқдори МҲЭКМнинг бир баробари ёки умумий солиқ базасининг 50 % даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу нуқтаи назардан, таклифнинг қабул қилиниши, кўпгина меҳнат муносабатлари расмий тус олишига хизмат қилса ажаб эмас.

2-муаммо. Ҳаммага маълумки, жисмоний шахсларнинг даромадлари фақат иш ҳақини ўзидан иборат эмас. Кимлардир ижара тушумлари орқали даромад олади. Айни кунларда энг долзарб муаммога айланган ижара нархларининг кескин ошиш ҳолатлари кузатилмоқдаки, бу албатта қўшни давлатларда юз бераётган нотинч вазиятлар ҳисобига юз бераётган вақтинчалик жараёндин, аммо бу ҳолат фуқароларимиз тинчининг бузилишига, яъни ижарада истиқомат қилаётган кўп сонли аҳоли билан мулк эгаси ўртасида ижара шартномаларининг бузилишига ва сунъий равишда ижара нархларининг ошишига олиб келди. Бунинг сабаби, мамлакатимизга кириб келган норезидент фуқаролар маҳаллий аҳолидан кўра кўпроқ миқдорда ижара тўлашни таклиф қилганидир. Бу вазиятни давлат, албатта, солиқлар воситасида тартибга солиши лозим. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, ҳаммага маълумки, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари худудлар даражасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тўғрисидаги қонуни билан ҳар йили белгиланади. Бу қонунга мувофиқ тураржой объектининг 1 квадрат метри Тошкент шаҳрида 15 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарларда 9 500 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида 4 000 сўм этиб белгиланган. Аммо бу белгиланган миқдорлар айни кунларда айнан ижара

муносабатларида анча паст миқдордир деб ҳисоблаймиз. Чунончи, Тошкент шаҳрида ўртача 50 квадрат метрли турар жой учун ижара нархи 3 000 000 сўмни ташкил этади, бироқ ижара шартномаси бор йўғи 750 000 сўмга тузилади. Қарабсизки, солиқ 90 000 сўмни ташкил этади. Аслида, солиқ тўловчи 360 000 сўм тўлаши керак эди. Бу ерда тўланиши керак бўлган 270 000 сўм яширилди.

Демак, хулоса қилиш керакки, солиқ базасидаги энг кам миқдорларни қайта кўриб чиқиш ва бозор қийматидан келиб чиққан тарзда белгилаш лозим. Масалан, Тошкент шаҳрида 1 квадрат метрли турар жой учун солиқ базаси сифатида энг кам миқдори БҲМнинг(ҳозирда ўттиз минг сўм) 1/6 қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Қолаверса, бу миқдорни норезидентлар учун эса Тошкент шаҳри ҳудудидаги энг кам миқдорини БҲМнинг(ҳозирда ўттиз минг сўм) 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги керак деб ҳисоблаймиз. Зеро, бу нуқтаи назардан, таклифнинг қабул қилиниши хуфёна иқтисодиётнинг ривожига тўсқинлик қилган ва давлат бюджетига кўпроқ тушум тушушига олиб келиши мумкин.

3-муаммо. Ҳеч кимга сир эмаски, чегирмалар солиқ базасини белгилаб олишдаги энг муҳим қисм бўлиб, солиқ тўловчиларни ижтимоий жиҳатдан рағбатлантириш ёхуд солиқдан қочмаслик хусусиятлари айнан шу қисмда мужассамлашган. Кўпгина чет давлатлари солиқ сиёсати тажрибалари солиқ базасини аниқлаш жараёнида имтиёз ва преференциялар тамойилидан кенг фойдаланади. Ўз навбатида, бу солиқ тизими жозибадорлигини оширишга хизмат этади. Агар чегирмалар етарли даражада ёки адолатли берилмаса, бу солиқдан қочиш каби вазиятларни вужудга келтириши турган гап. Шу нуқтаи назардан бизнинг солиқ тизимимизда ҳам баъзи солиқ имтиёзлари етарли эмас деб ҳисоблаймиз ва қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

1. Солиқ базаси сифатида мол-мулк объектини ижарага беришдан олинган даромаддан бу объектка қилинган турли харажатлар миқдорини(таъмирлаш ва бошқалар), ҳамда мол-мулк солиғини чегириш орқали аниқлаш лозим;

2. Мамлакатимиз менталитети ва диний хусусиятларидан келиб чиққан тарзда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ҳаж ва умра зиёратлари учун қилинган харажатларни ҳам солиққа тортилмайдиган даромад сифатида қараш лозим. Зеро, бу имтиёз Тараққиёт стратегиясида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифаларга мос бўлар эди.

Хулоса ва таклифлар

Республикамиз солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартибига доир олиб борган таҳлилларимиз натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, даромад солиғи солиқ объектнинг хусусиятидан келиб чиққан тарзда уч босқичли жараёнларни қамраб олади. Солиқ базасини аниқлашда дастлабки босқич бу мавжуд қонунчилик базаси асосида олиб борилса, иккинчи босқичда базани кенгайтирувчи ва қисқартирувчи омиллар ҳисобга олинади ва ўз навбатида, қўшилади ёхуд айрилади. Учинчи босқичда эса базага тузатиш киритиш натижасида базада кенгайиш ёхуд қисқариш юз берадиган позициялар кўрилади. Биз бу босқичлар давомийлигида солиқ тизимидаги мавжуд камчиликларни кўриб чиқдик ва бу муаммоларнинг ечими сифатида қуйидаги таклифларни илгари сурдик:

1. МҲЭКМнинг 2 баробаридан паст даромад олувчи жисмоний шахслар учун солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш лозим.

2. Ижара муносабатларида солиқ базасидаги энг кам миқдорларни қайта кўриб чиқиш ва уларни бозор қийматидан келиб чиққан тарзда белгилаш даркор.

3. Ижара муносабатлари норезидент шахслар билан олиб борилганда ҳудудлар ўртасида белгиланган солиқ базаси сифатида қараладиган энг кам миқдорни бозор шароитидан келиб чиққан тарзда белгилаш, яъни, резидентлар учун белгиланган миқдорнинг 2 баробари миқдорида ўрнатиш керак.

4. Ижара муносабатларида мол-мулк объектга қилинган турли харажатлар миқдорини(таъмирлаш ва бошқалар), ҳамда мол-мулк солиғини харажат сифатида тан олиш ва солиқ базасидан чегириш тартибини жорий қилиш зарур;

5. Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимиз менталитети ва диний хусусиятларидан келиб чиққан тарзда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ҳаж ва умра зиёратлари учун қилинган харажатларни ҳам солиққа тортилмайдиган даромад сифатида қараш лозим.

Биз юқорида берилган бу таклифлар орқали қуйидаги натижаларга эришишни назарда тутганмиз:

- ❖ кўпгина меҳнат муносабатлари расмий қайд этилади;
- ❖ халқимизнинг кам таъминланган аҳолиси ижтимоий жиҳатдан юксак ҳимояланади;
- ❖ солиқ юки турли қатлам вакиллари орасида имкон қадар тенг тақсимланади;
- ❖ ҳуфёна иқтисодиётнинг олди олинади;
- ❖ давлат бюджетига тушумлар миқдори сезиларли равишда ортади;
- ❖ солиқ базаси кенгаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ги 5468-сон Фармони(29.06.2018)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 208-сонли қарори(15.04.2022)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 162-сонли қарорлари(28.06.2022)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

5. МИЛЯКОВ Н.В., Налоги и налогообложение: Учебник.- 5-е изд., перераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2006. 509 с.

6. Налоги и налогообложение_ред. Майбуров И.А_2017, 4-е изд. -558с

7. Элементы правового механизма НДС: проблемы определения [Текст] / С. С. Пирога, И. С. Пирога // Налоги. - 2013. - № 3. - С. 28-32. - Библиогр.: с.32 (6 назв.) УДК ʘа347.73 ББК 67.402 Рубрики: Право Финансовое право--Россия—Украина

8. Н.Н. Шелемех (Фьючерсы, форварды, опционы - формирование доходов и расходов [Текст] / Н. Н. Шелемех // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2016. - № 2. - С. 40-50. - Библиогр.: с. 50 (14 назв.). - Продолж. Начало: № 1. – ISSN 2075-0250 УДК ʘа336.22 ББК 65.261 Рубрики: Экономика Финансовая система)

9. Налогообложение материальной выгоды от экономии на процентах за пользование заемными (кредитными) средствами [Текст] / П. П. Грузин // Бухгалтерский учет. - 2008. - N 10. - С. С. 26-32 УДК ʘа336.0/.5 ББК 65.261 Рубрики: Экономика—Россия Финансовая система)

10. Брыкин К. И. (2017) Институт контролируемых иностранных компаний по законодательству Соединенных Штатов Америки [Текст] / Международная экономика. № 7. - С. 38-42. - Библиогр.: с. 42 (3 назв.). – ISSN 2074-6040 УДК ^а338(1-775) ББК 65.6 Рубрики: Экономика Экономика развитых стран—США.
11. Грузин П.П. (2008) Налогообложение материальной выгоды от экономии на процентах за пользование заемными (кредитными) средствами [Текст] / Бухгалтерский учет. N 10. - С. С. 26-32 УДК ^а336.0/.5 ББК 65.261 Рубрики: Экономика—Россия Финансовая система.
12. Некоторые вопросы НДС при расчетах векселями [Текст] / А. Рабинович // Хозяйство и право. - 2011. - N 8. -С. 55-63 УДК ^а347.73 ББК 67.402 Рубрики: Право Финансовое право
13. Особенности налогообложения прибыли в консолидированных налоговых группах [Текст] / Т. Козенкова, И. Зачупейко // РИСК: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. - 2012. - № 2, Ч. 2. - С. 324-330: табл. - Библиогр.: с. 330 (5 назв.) УДК ^а658.152 ББК 65.261 Рубрики: Экономика Финансовая система
14. Қ. Яхяев. СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ *Дарслик* Ғафур Ғулом номводаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент — 2000
15. Soliқ statistikasi va prognozi: O’quv qo’llanma / A.Jo’rayev, S.Shirinov. O’zbekiston Respublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi; T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015. - 392 b.
16. Аюбжонов А.Ҳ., Салиходжаева А.У., Moliya statistikasi. O’quv qo’llanma 239 b. 2019.
17. O.Yu. Rashidov, va bosh., 2011 ©Cho’lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011 PUL, KREDIT VA BANKLAR
18. Жўраев А.С, Абдуллаев Ҳ., Солиқни прогноз қилиш. Маъруза матнлари тўплами. Т.: ТМИ, 2005, 168 бет (9 бетидан).
19. Vahobov A.V. Soliqlar va soliqqa tortish: Oliy o’quv yurtlari talabalari uchun darslik / A.V. Vahobov, A.S. Jo’rayev; O’zR oliy va o’rta-maxsus ta’lim vazirligi, Toshkent Moliya in-ti, — Toshkent: Sharq, 2009. — 448 b. 58 betidan
20. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси: -Т.: «Юридик адабиётлар публиш», 2020 й.-624 б (368- модда)
21. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси: -Т.: «Юридик адабиётлар публиш», 2020 й.-624 б (366-модда)
22. Sh.F.Sh.Shamsutdinov, Sh.F.Shamsutdinova. Chet mamlakatlar soliq tizimi. (*Darslik*). —Т.: «Fan va texnologiya», 2011,508 bet. ISBN 978-9943-10-553-9